


“ТА СДИҚЛАЙМАН”
“Навоий КМК” АЖ ҳузуридаги
Жамоатчилик кенгаши раиси ўринбосари

 **Х.Р..Раупов**
2024 йил “ 14 ” 02

“Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ ҳузуридаги
Жамоатчилик кенгаши
ЙИҒИЛИШИ БАЁНИ № 2

Навоий шаҳри

2024 йил “ 16 ” 02

Раислик қилувчи: И.Қ.Рахматов -Жамоатчилик кенгаши раиси

Иштирок этди: Кенгаш аъзолари (*рўйхат бўйича*)

Таклиф этилди: Ф.Ш.Бахронов - Бош директорининг лойиҳаларни бошқариш ва капитал қурилиш бўйича ўринбосари
Н.Р.Рўзиев -Инвестициялар бошқармаси бошлиғи

КУН ТАРТИБИ:

Инвестиция дастури ижроси, бу борада НКМК олдида турган муҳим вазифалар бўйича “Навоий КМК” АЖ бош директорининг лойиҳаларни бошқариш ва капитал қурилиш бўйича ўринбосари Ф.Бахронов ҳамда Инвестициялар бошқармаси бошлиғи Н.Рўзиевлар иштирокида ўтказилган жамоатчилик эшитуви натижалари тўғрисида

(Рахматов, Раупов, Джураев, Садриддинов, Бахронов, Рўзиев, Идиев ... Рахматов)

“Навоий КМК” АЖ ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши раиси И.Рахматов йиғилишни очиб, комбинатда Инвестиция дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар самарадорлиги ҳақида масъул раҳбарларнинг эшитувлари тинглашга кенгаш аъзолари режа доирасида тўпланганини маълум қилди.

Шундан сўнг, “Навоий КМК” АЖ бош директорининг лойиҳаларни бошқариш ва капитал қурилиш бўйича ўринбосари Ф.Бахронов ва Инвестициялар бошқармаси бошлиғи Н.Рўзиевларнинг кун тартибига доир жамоатчилик эшитуви юзасидан ҳисоботи тингланди.

Маърузада таъкидландики, инвестицион лойиҳалар комбинатда муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, 2017-2024 йилларда умумий қиймати 2,9 млрд. АҚШ доллари бўлган 24 та йирик инвестицион лойиҳа амалга оширилди. Бунинг эвазига 15,4 мингта янги иш ўринлари ташкил этилиб, 5,6,7-гидрометаллургия заводлари, 2-гидрометаллургия заводи 2-навбати ва бошқа муҳим лойиҳалар ишга туширилди. Жорий йилда ҳам 11 та муҳим лойиҳа устида иш олиб борилмоқда.

Музокараларда Х.Раупов, Н.Садриддинов ва бошқалар томонидан турли таклиф ва фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Кун тартибида билдирилган фикр-мулоҳаза ва таклифлардан келиб чиқиб, йиғилиш

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. “Навоий КМК” АЖ бош директорининг лойиҳаларни бошқариш ва капитал қурилиш бўйича ўринбосари Ф.Бахронов ва Инвестициялар бошқармаси бошлиғи Н.Рўзиевларнинг кун тартибига доир эшитувлари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Бош директорининг лойиҳаларни бошқариш ва капитал қурилиш бўйича ўринбосари (Бахронов), Инвестициялар бошқармаси (Рўзиев), Капитал қурилиш бошқармаси (Алқаров) ва Зарафшон қурилиш бошқармаси (Ҳасанов)ларга:


- НКМКда 2024 йилда амалга оширилиши лозим бўлган инвестицион лойиҳаларни ўз вақтида, сифатли амалга ошириш;

- Инвестиция дастурида 2024 йилда топширилиши ва яқунланиши муҳим бўлган лойиҳаларни ишга тушириш;

- бажарилган ишлар юзасидан доимий равишда жамоатчилик хабардорлигини ошириш мақсадида ОАВларда чиқишлар қилиб бориш вазифаси топширилсин.

3. Ушбу йиғилиш баёни ижросини назорат қилиш Жамоатчилик кенгаши ўринбосари Х.Раупов зиммасига юклансин.

Баёнлаштирди:



А.Джураев